# ИЛҒОРЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН-У...

*Қишлов: «Сельская жизнь» ва Бутуниттифоқ радиосининг рейди*

ЎЗБЕКИСТОН пойтахт областининг чорвадорлари одатда кўп қимматли ташаббусларнинг бошловчилари бўлиб чиқадилар. Республикада биринчилар қатори чорвачиликни саноат асосига ўтказиш ҳам айни шу ердан бошланди. Қисқа вақт ичида 56 та йирик чорвачилик фермалари ва комплекслари қуриб битказилди. Уларнинг орасида ҳар бири 800 — 1200 бош сигирга мўлжалланган комплекслар оз эмас. Ҳаётнинг ўзи ана шуни талаб этарди. Тошкентнинг 2 миллионлик аҳолисини узлуксиз таъминлаб туриш учун чинакам сут фабрикалари керак. Бироқ областда фермалар қуввати кенгайтирилди-ю, озуқа базасини мустаҳкамлаш, молларни урчитиб кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилинмади. Катта ҳажмдаги моллар подаси учун атиги 1 та бузоқчилик комплекси ташкил этилди. Бошқа муҳим масалалар ҳам унутилди. Ветеринария хизматини малакали ташкил этиш ва қатъий зоотехника ҳисоб-китоби йўлга қўйилмади. Ана шу сабабларга кўра область ўтган йили 1000 тонна сутни кам етказиб берди.

Қишлов бошланганида кўпгина колхозлар ва совхозлар қийин аҳволга дуч келдилар. Лекин шунга қарамасдан чорвадорлар зиммаларига олган мажбуриятларида бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдиришнигина эмас, балки, олға қараб қадам ташлашни ҳам кўзда тутилган эди.

Дастлабки натижалар кўпгина ферма коллективларининг сўзлари билан ишлари бир эканлигини кўрсатиб турибди. Ўтган йилнинг шу вақтдагига қараганда сут сотиш 4 минг тоннага кўпайди. Бўрдоқига боқилган молларнинг вазни ортди, табиийки, гўшт топшириш кўпайди. Фермалар маҳсулотини сотиш квартал топшириғи муддатидан илгари бажарилди.

Демак резервлар бор экан, бўлганда ҳам анчагина. Бу резервлар энг биринчи навбатда коллективларнинг ўз ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишларига, технологик интизомнинг бажарилишига қатъий риоя қилиниши билан боғлиқдир. Масалан, «Чиноз» совхозини олиб кўрайлик. Бу совхоз ўзининг чорвачиликни индустриал асосда ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси билан республикада жуда кўпдан буён машҳурдир. Бу ердаги йирик комплексда соғин сигирлардан маҳсулот олиш ўртача 4500 килограммданга тўғри келмоқда. Бу Ўзбекистондаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Маҳаллий мутахассислар яқин вақтлар ичида 5 минг килограммлик марранинг эгалланишига ишонмоқдалар. Айни кунларда бу хўжаликда ҳар бир сигирдан кунига 15 килограммга яқин сут соғиб олинмоқда. Худди ёздагидек! Зотан, саноат типидаги бу хўжаликнинг бошқа хўжаликлардан фарқи ҳам шундаки, бу ерда маҳсулот етиштиришдаги мавсумий паст-баландликларга деярли барҳам берилган. Агарда чорвачилик комплексларида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасини мустаҳкамлаш таъмин этилган бўлса самарадорлик шунчалик юқори бўлади. «Чиноз» совхозининг тажрибаси ана шундан далолат бериб турибди. Лекин шунга қарамасдан Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Гришчук илғор тажриба адресини маълум қилар экан, аввало бу совхозда эмас, одатдаги ўртача хўжаликда бўлишни маслаҳат берди. Бундай хўжаликлар кўп. Ана шулар тармоқнинг тақдирини ҳал қилмоқдалар. Шундан сўнг биз «Октябрь 40 йиллиги» колхозига йўл олдик.

Колхоз фермалари ўн биринчи беш йилликда гўшт етиштиришни деярли 1,5 баравар, сут соғиб олишни 14 процент кўпайтирдилар. Энг муҳими шуки уларда чорвачилик маҳсулотларининг таннархи қўшниларириникига қараганда анча арзонга тушяпти. Сут етиштириш рентабеллилиги 70 процентга кўтарилди. Бу пахтачиликдагига қараганда анча юқоридир. Хўжаликни юритишга оқилона муносабатда бўлишнинг натижаси ана шундай. Кўрсаткичларни бундан ҳам ўстириш имкониятлари бор. Бу йилги қишлов натижалари ана шуни кўрсатмоқда. Ҳар бош соғин сигирдан 13—14 килограммдан сут соғиб олиш ҳозир нормага айланиб қолган.

— Колхозда ўзини оқлаган тажриба қарор топди, — дейди правление раиси П. Ф. Саулкин, — қишлов бошланишидан анча илгари чорвадорларимиз ўз имкониятларини таҳлил қиладилар. Ана шундан сўнг мажбурият қабул қилинади. Иш озуқа даласидан бошланади. Айтайлик, ўтган йили ҳар гектар ердан биз 110 центнердан озуқа бирлиги олишга эришдик. Яна бир муҳим шартни ҳам унутмаслик керак. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида доимий ишлайдиган тажрибали кадрларга эгамиз. Бу гап айниқса, мутахассислар, ўрта бўғин кадрларига тааллуқлидир.

Колхоз фермаларида бўлганингда дилинг равшан тортади. Ҳар қадамда саранжом-саришталик, озодалик, тартиб-интизом. Технология интизомига қатъий амал қилинади. Озуқа цехининг бетўхтов ишлаб туриши ферма фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Бу ерда қайта ишловдан чиқарилган, тўйимлилиги оширилган аралаш озуқалар етарли миқдорда тайёрлаб берилади.

— Умуман, — дейди Тошкент область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев, — тармоққа муносабат яхши томонга ўзгарганлиги қувонтиради. Область хўжаликлари ўн иккинчи беш йиллик программасини белгиладилар. Асосан чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга аҳд қилдилар. Биздаги мавжуд соғин сигирларнинг ҳар биридан ўртача кам деганда 3500 килограммдан маҳсулот олиш мумкин. Ҳозирча бу кўрсаткич 2600 килограммни ташкил этмоқда. Аслида Ўрта Осиё областлари ўртасида бу кўрсаткич энг юқори ҳисобланса-да, бироқ биз ҳали имкониятларимиздан тўла фойдалана олмаяпмиз. Масалан, Коммунистик районида ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Калинин ва Тошкент районларининг хўжаликлари ҳам бу маррага яқинлашиб келмоқдалар. Бошқалар учун ҳам суръатни тезлаштириш пайти келди. Партия XXVII съезди қарорлари чорвадорлардан ана шуни талаб этмоқда.

Амалий иш билан мустаҳкамланган ташаббус ҳамиша муваффақият келтиради. Бекобод райони яқин вақтларгача областда кейинги ўринларни эгаллаб келарди. Бу ерда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари асосан аҳолидан сотиб олиниши ҳисобига бажариларди. Район партия комитети ва РАПО ташаббусни қўлга олди. Пахта, — беда алмашлаб экишни жорий қилишга киришилди. Озуқа проблемаси ҳал этилди. Кадрлар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинди. Фермаларга тажрибали мутахассислар, бригадирлар ишга тайинланди. Чорвадорларнинг меҳнат шароити яхшиланди. Дастлабки якунлар қуйидагича: район ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда давлатга 20 процент кўп чорвачилик маҳсулотлари сотди.

Афсуски, Бекобод районининг барча хўжаликлари ҳам ишни янгичасига ташкил этмаяптилар. Калпакова номли совхоз ва «Коммунизм» колхозида мажбурият у ёқда турсин ҳатто сут ва гўшт сотиш планлари ҳам бажарилмади. Ахир шароит бу ерларда ҳам худди Ленин номли ва Навоий номли колхозларидаги сингари-ку. Уларга айни кунларда райондаги барча хўжаликлар тенглашиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳамма гап озуқа базасининг мустаҳкам эмаслигида, ем-хашаклардан рационал фойдаланилмаётганлигида, озуқани сарфлашда ҳисоб-китобнинг пухта эмаслигидадир.

Кўпгина районлар қишловнинг ўтган беш ойи давомида белгиланган программани бажара олмадилар. Ҳатто маҳсулот етиштиришни камайтириб юбордилар. Оҳангарон, Орджоникидзе, Ғалаба районларининг фермалари областни анча орқага тортмоқдалар. Сабаби маълум. Соғин сигирлар ночор аҳволда боқилмоқда. Рацион тўлиқ эмас. Фермаларда энг оддий тартиб ва қоидалар бузилмоқда.

Тошкент область агросаноат комитети чорвачилик бўлимининг бошлиғи Б. В. Жердев бу аҳволдан ташвишланаётганлигини яширмади. Гарчи область бўйича маҳсулот етиштириш ўтган йилдагига қараганда анча кўпайган бўлсада, бироқ сут ва гўшт тайёрлаш юзасидан зиммага олинган мажбуриятни бажариш анча мушкул бўлиб қолмоқда. Баҳорнинг ҳозирги кунларидан бошлабоқ келгуси қишлов учун озуқа запаси, соғин сигирларни ёз пайтида боқиш учун кўк озуқани кўпайтириш, эртаги ва оралиқ экинлари ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур. Областнинг бир қатор районларида бу иш ҳозироқ унутилган. Область чорваси ёз даврида ҳам асосан қўлда боқилади. Шунинг учун ҳам барча озуқа цехлари узлуксиз ишлаб туриши керак. Ҳар бир киши ўз иш жойида зарбдорчасига меҳнат қилиши зарур. Бусиз йил бошида катта меҳнатлар эвазига эгалланган марраларни сақлаб қолиш қийин бўлади.

**М. БАБИНЦЕВ,**
**«Сельская жизнь» мухбири.**

**Э. РАҲИМОВ,**
**Бутуниттифоқ радиосининг мухбири.**
**(«Сельская жизнь» 19 март).**

Самад Вурғун таваллудининг 80 йиллигига

# «АЗИЗ ВАТАН, ТИНГЛА СЎЗИМ...»



**Азиз тутиб эъзозлайлик**
**чин дўстликнинг қадрини биз,**
**Жон тикайлик бу дўстликка,**
**қардошликка ҳар биримиз.**
**Номус қилсин ўз кунидан**
**маслаксизлар, қалби кўрлар,**
**Боқий яшар бу Ватанда**
**покдомону тоза тамиз.**

Шоир Самад Вурғуннинг «Бизнинг ёшлик» шеъридан келтирилган бу парча одамларни покдомон, инсоф ва диёнат билан яшашга чақиради. Шу боис бу мисралар шу кеча-кундузда ёзилгандек жаранглайди.

Кўп миллатли совет адабиётининг оташнафас шоирлари қаторидан мустаҳкам ўрин олган Самад Вурғун ўғли 1906 йилнинг 21 мартида Озарбайжоннинг Козоҳ районидаги Салоҳли қишлоғида бечораҳол деҳқон оиласида дунёга келди.

Онаси ва отасидан эрта жудо бўлган Самад турмушнинг аччиқ синовларидан ўтиб, вояга етди. У 1920 йилда Бокуга келиб, комсомол сафига ўтди, шундан кейин унинг жўшқин ўқиш ва меҳнат фаолияти бошланди. Бошланғич маълумотли Самад 1918 йилда ўқитувчилар тайёрлайдиган семинарияга кириб, уни 1924 йилда битириб чиққач, Озарбайжоннинг Козоҳ, Куба, Ганжа каби районларида 1929 йилгача муаллимлик билан шуғулланди. У шу йиллардан бошлаб Вурғун (севувчи, ошиқ) сўзини ўзига тахаллус қилиб олиб, шеърлар ёза бошлайди. Унинг илк шеърий тўплами «Шоирнинг онти» номи билан 1930 йилда босилиб чиқди.

30-йилларда Вурғуннинг «Қалб китоби» (1934), «Шеърлар» (1935) каби тўпламлари эълон қилинади. Шу йилларда у қизғин ўқиш-ўрганиш билан банд бўлиб, Москва Давлат университети, кейинроқ Озарбайжон Давлат педагогика институтининг аспирантурасини ҳам тугатади.

Самад Вурғун ижод билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлайди. У 1934 йилда СССР Ёзувчиларининг I съездига делегат, 1954 йилда эса II съездда поэзия бўйича докладчи сифатида қатнашади.

Самад Вурғун социализм қурилиши йилларида Сулаймон Рустам, Мамад Раҳим, Микаил Мушфиқ, Осмон Саривелли, Расул Рза каби қаламкашлар билан янги ҳаёт тароналарини куйлай бошлайди. Социалистик Ватанга бўлган муҳаббат унинг Озарбайжон мадҳига бағишланган шеърларида юксак оҳанг билан тараннум қилинади:

**Азиз Ватан — ёруғ юзим,**
**Тингла, маним юрак сўзим.**
**Қардошликда бахт юлдузинг!**
**Гуллайбергин дориламон,**
**Озарбайжон, Озарбайжон.**

Самад Вурғуннинг «Комсомолнома» поэмаси, «Шоирнинг онти», «Она сўзи», «Шафқат ҳамшираси», «Ватан ҳимоясида», «Шоир, нечун қаридинг тез?», «Украина партизанларига» каби эҳтиросли шеърлари ва бир қатор ҳаяжонли драматик асарлари унинг номини Иттифоқимиз китобхонлари орасида машҳур қилди. «Бизнинг ёшлик», «Яйранг, ўйнанг, авлодларим», «Комсомолнома» каби асарларида ўтюрак ёшларнинг нурлоқ образи яратилди.

Самад Вурғуннинг Улуғ Ватан урушигача ижодида «Воқиф», «Хонлар», «Фарҳод ва Ширин» каби тарихий-ижтимоий мавзуларда ёзилган драматик асарлари, А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин», Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» асарлари таржимаси катта ўрин тутади.

Шоирнинг уруш ва урушдан кейинги йиллар ижодида Ватан ҳимояси, тинчлик, озодлик ҳақида ёзилган «Кабутар», «Украина партизанларига», «Рус армиясига», «Москвага салом!», «Тўрт сўз», «Юрак», «Ўйлар», «Боку ҳақида достон», «Негрнинг ўйлари», «Муғон», «Асримиз байроқдори» каби фалсафий-лирик ва гражданлик руҳи билан йўғрилган шеър, поэмаларида олға сурилган ғоялар китобхонларни ғоявий-бадиий жиҳатдан тарбиялашда ҳамон муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Озарбайжон адабиётининг Низомий, Фузулий, М. Ф. Охундов, Собир ва бошқа намояндалари ҳақидаги мазмунли тадқиқотлари учун С. Вурғун филология фанлари доктори даражасини олишга муваффақ бўлди. 1945 йилда Озарбайжон ССР Фанлар академияси ташкил этилиши билан аввал унинг ҳақиқий аъзоси, кейинроқ вице-президенти қилиб сайланди. У драматург, шоир сифатида икки марта СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Жўшқин адабий фаолияти учун Ленин ордени билан мукофотланди. Озарбайжон халқ шоири Самад Вурғун 1956 йилда вафот этди.

Самад Вурғун ижоди ўзбек адабиёти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. У таниқли адабиётшунос Ҳамид Ораслий билан улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодига чуқур ҳурмат билан қараб, унинг юбилейига тайёргарлик ишларида фаол қатнашди. У ўзбек-совет адабиётининг Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Шайхзода каби атоқли намояндалари билан яқиндан ижодий ҳамкорлик ва дўстона алоқаларда бўлди. Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Уйғуннинг «Украина еллари», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» каби асарлари билан Самад Вурғуннинг «Яйранг, ўйнанг, авлодларим», «Озарбайжон», «Бизнинг ёшлик», «Украина партизанларига», «Воқиф» каби шеърлари ва драмалари орасида ғоявий ҳамоҳанглик мотивлари сезилади. Чунончи, «Яйранг, ўйнанг, авлодларим» шеъридан олинган:

**Мен кўрганман болаликда**
**нон дардида ўй сурганни,**
**Онам совуқ бир кулбада**
**оч қорнига туғди мани.**
**Сиз бахтлисиз, авлодларим,**
**у кунларни кўрмадингиз.**
**Йўқсилларни очлик бўғган**
**у тунларни кўрмадингиз.**
**Кўрмадингиз қалам қошли,**
**турна кўзли у келинни,**
**Жон беракан мен томонга**
**қўл узатди, сўнгра тинди, —**

каби мисралар беихтиёр Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъридаги туйғуларни ёдга келтиради.

Ғафур Ғуломнинг қардошлик туйғуларини тараннум қилувчи «Бири-бирига устоз — бири-бирига шогирд», «Қирқ ёшли Озарбайжон» шеърларида бу юртнинг қадимий тарихи, маданияти ҳақида ҳаяжон билан сўзланар экан, Низомий, Фузулийлар қатори Самад Вурғун номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

Самад Вурғуннинг қатор шеър ва поэмалари «Озарбайжон шоирлари» (1960), «Комсомолнома» (1968), «Юракдаги шеър» (Шайхзода сўзбошиси билан) сарлавҳали тўплам ва алоҳида китобларда Миртемир, М. Бобоев, Р. Абдурашид каби таниқли шоирлар таржимасида босилиб чиққан.

**Ҳ. МУҲАММАДХЎЖАЕВ,**
**филология фанлари кандидати, доцент.**

# ТЎРТ МИНГ КИЛОГРАММ УЧУН

КОММУНИСТИК районидаги «Ленинский путь» колхозининг соғувчиси Валентина Ермолаева бу йил 27 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган.

Шу кунларда сигирларни рацион асосида озиқлантиришни назорат қилиб бораётган Валентина юқори кўрсаткичларга эришмоқда. У ҳар бир сигирдан кунига 9-10 килограммга етказиб маҳсулот топширмоқда.

**З. ТОЖИБОЕВ.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## РАСМИЙ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания Бирлашган Республикаси ва Швеция раҳбарлари қўшма мактубига жавоби тексти Бирлашган Миллатлар Ташкилотида БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Жавоб мактубида Совет Иттифоқи 31 мартдан кейин — АҚШда биринчи ядро қуроли портлатилгунга қадар, ядро портлатувлари ўтказмаслиги баён этилган.

## МАЖЛИС ОЧИЛДИ

ВАРШАВА, 19 март. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси очилди.

Мажлис ишида БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский, РСР ташқи ишлар министри И. Вэдува, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек иштирок этмоқдалар.

Мажлисда халқаро муносабатларнинг умумий аҳволи ва бу муносабатларнинг кейинги ривожланиш истиқболлари асосида Европадаги аҳвол билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмоқда.

## ЖЕНЕВА РУҲИ ЯШАШИ ЛОЗИМ

● МЕХИКО. Инсоният урушнинг олдини олиш учун имкони бўлган барча ишларни қилиши керак. Женева руҳи яшаши лозим. АҚШ маъмуриятини музокаралар йўли билан барча проблемаларни ҳал этиш мумкинлигига ишонтириш зарур, деди Австриянинг собиқ федерал канцлери Бруно Крайский. У Мексикада чиқадиган «Эксельсиор» газетасининг мухбири билан суҳбатда СССР тинчликка астойдил интилмоқда, чунки у уруш нималигини яхши билади, деб таъкидлади. Унинг таъбирича, АҚШ «хийла-найранг қилаётган» бир пайтда совет томони музокараларга жиддий, масъулият билан муносабатда бўлмоқда.

Президент Рейган, деди Крайский, кескинликни юмшатиш жараёнини коммунизмга қарши «салб юриши» билан чиппакка чиқарди. У АҚШни ҳаддан ташқари ҳарбийлаштириб, энди эса «самовий урушлар» режасини зўр бериб ишлаб чиқмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси СССРни «сўзсиз таслим қилиш»га қаратилган. Бироқ Вашингтон ҳарбий соҳада устунликка эришишга муваффақ бўлолмайди, деб ўйлайман.

**(ТАСС, 19 март).**

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БАЙРУТ. Ливан қаршилик кўрсатиш ватанпарварлик фронтининг жангчилари Исроил босқинчилари ва уларнинг «Жанубий Ливан армияси» деб аталмиш ёлланган қўшинлари позицияларига саккиз марта ҳужум қилдилар. Искандарун, Яхмор аҳоли пунктлари районларида босқинчиларнинг постларига ҳужум қилинди. Ливан ватанпарварлари қўйган минадан агрессорларнинг механизациялаштирилган патрули портлаб кетди. Исроил гумантларининг Марожаюн ва Ан-Накурадаги позициялари ракетадан ўққа тутилди.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ шу йил апрель ойининг ўрталаригача Анголага қарши УНИТА террорчи гуруҳига қурол-яроғ етказиб беради. Бу қуролдан Ангола ҳукуматига қарши фойдаланилади. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича, террорчилар бошлиғининг ёрдамчиларидан бири Савимби Лиссабонда шуларни айтди. Савимби террорчилар бошлиғи яқинда Оқ уйга борганида унга ҳамроҳлик қилди.

● МАНИЛА. Швейцариянинг Филиппинда тайёр кофе етиштирадиган энг катта «Нестле» миллатлараро корпорациясининг филиппинлик ишчи ва хизматчиларидан 3 минг кишининг икки ой давом этган умуммиллий забастовкаси меҳнаткашларнинг ғалабаси билан тугади. Чет эл маъмурияти ишчиларнинг ўз курашини охиригача етказишга қатъий азму қарор берганлигини кўриб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, социал нафақалар ва иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришга мажбур бўлди.

**(ТАСС, 19 март).**

*Хотира куни олдидан*

# ҲАМҚИШЛОҚЛАР

**Тошкент районидаги Энгельс номли 27-ўрта мактаб ўқувчилари 30 мартда республикамизда биринчи марта ўтадиган Хотира куни олдидан ўзларининг фидокорона меҳнатлари, жамоат ҳаётида ишлари билан эл-юрт меҳрини, эътиборини қозонган ҳамқишлоқлари хотирасини биргалашиб ёдга оладилар.**

**Хўш, улар кимлар? Нега кўпчилик улар хотираси олдида таъзим билан бош эгмоқда? Қуйида ҳамқишлоқлари дилига бир умрга жо бўлиб қолган бу фидокорлар хотираси ҳақидаги лавҳаларни ўқийсиз.**

## УНДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИК



Уруш тугаб, қишлоқ кишилари кўкрагига шамол теккан кезлар эди. Боғларда баҳор елларининг майин шивири яна дилларга ҳузур бахш эта бошлади. Кўкатларнинг сархуш иси, жилғалар чуғури, лиммо-лим нурга тўлган табиат, феруза осмоннинг мусаффолигидан хушнуд қалбларда ғолиблик, одамларга оқибат, меҳнатга муҳаббат туйғуси мавжланарди. Бутун бир колхоз аъзолари ягона оила фарзандидек аҳил, уюшқоқ эди. Ишчан ва софдил раис Аҳмаджон Бўриевни одамлар чин юракдан севиб қолишган эди. Унинг тадбиркорлиги, ер илмини пухта билиши, энг оғир кунларда ҳам одамларга меҳрибонлиги туфайли планлар ортиғи билан бажарилар, колхозчилар хонадони ғаллага, қовун-тарвузга, арава-арава картошкага тўлиб кетарди. Хўжаликнинг йиллик ҳисоботида мукофот олмаган колхозчи қолмасди. Раиснинг яна бир яхши одати бор эди. У ўрнидан туролмай қолган бемор ёки кексалик туфайли юролмай қолган оталар, оналарни вақти-вақтида йўқларди. Беш-ўн килограмм мошми, буғдойми ёки қанд лавлагини уларнинг уйларига киритиб, кўнгилларини овларди.

Одамлар раисга меҳр қўйишди. Раис эса одамларга, айниқса Соип Юсупов, Юнус Расулов, Саидалихўжа Сарихўжаев, Нуъмон Шоабдиев, Ёдгор Сидиқов, Маҳкам Қулматов, Мансур Турсунов, Раҳматжон Исамуҳамедов каби колхоз активларига, қишлоққа кўнгил берди. Колхозчилар рўзғорини бутлаб олгач, чойхона, идора қурдирди. Шинамгина хиёбон ҳам ташкил этди.

Бир куни у колхоз активларини кенгашга чақирди. Урушда ҳалок бўлганлар оиласига ёрдам кўрсатиш масаласи қўйилди. Мажлис тугашига оз фурсат қолган ҳам эдики, қишлоқдан додфарёд эшитилди. Правление аъзоси, дала мудири Ҳидой Иноятов товуш келган томонга югуриб кетди. Колхозчилар хонадонига ўғри тушган эди. Хотин-қизларнинг додлашидан чўчиб қочаётган икки газанда Ҳидой аканинг баҳайбат қулочига илинди. Аммо учинчиси томонидан узилган ўқ уни ҳаётдан бевақт олиб кетди. Шунда бутун қишлоқ аза тутди, раис ҳам. Одамлар унга атаб қўшиқ ҳам тўқишди.

Дўстининг бевақт ўлимидан раис ҳам қаттиқ изтироб чекди. Чунки колхоз қурилишининг биринчи қалдирғочларидан бири, фидокор коммунист, ажойиб инсон, дилкаш биродаридан жудо бўлган эди. У Ҳидой ака оиласини доимо эътиборда тутди. Унинг фарзандлари меҳнатсевар кишилар бўлиб камолга етишди. Бу борада Аҳмаджон ака ҳам ҳаётдан кўз юмди. Ундан ёдгор бўлиб баланд тепалик устига қурилган чойхонаю хиёбон қолди. Аммо раиснинг ҳам, Ҳидой аканинг хотираси ҳам одамлар дилида сақланиб келмоқда. Қишлоқ тарихи ҳақида гап боргудек бўлса, икки фидокор номи биринчилардан бўлиб тилга олинади.

## «КАТТА ДОКТОР»



Қишлоғимиз фельдшери Зайниддин Каримов ўрта бўйли, қорачадан келган, тўла гавдали, кўзлари тийрак киши эди. У тез сўзлар, беморга ширинсўз, айни пайтда ўзига мулозамат қилгувчиларни хушламас эди. У кўпинча томирни ушлаши биланоқ бемор дардини, дори-дармонларни аниқ айтиб берарди. Докторнинг оиласида фарзанди бўлмаганлигиданми, болаларни жуда севарди ва ишдан бўш вақтларида мактабга чиқиб «пучуқларни бир кўриб кетай дедим» дея кўринган болага конфет, ёнғоқ, майиз улашарди. У 1950—1955 йилларда қишлоғимизда «катта доктор» номи билан шуҳрат қозонди. Унга узоқ шаҳарлар, қишлоқлардан ҳам беморлар келиб, шифо топиб кетишгани ҳақида кўп бора эшитганман. Лекин мана бу воқеа ёдимдан асло чиқмайди: 1957 йилнинг ёзи эди. 9-синфда ўқир эдик. Бизни мактабимиз ҳовлисига — линейкага чақиришди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, катта докторнинг уйи томонида севимли ёзувчимиз Ойбек, унинг умр йўлдоши Зарифа опа ва Зайниддин ака биз томонга келаётганликларини кўрдик.

Биз Ойбек билан учрашаётганимиздан беҳад қувончда эдик. Ўзимизча докторнинг қариндоши экан, деб ўйладик. Ҳамма воқеа меҳмонлар даврамизга келиб саломлашишгач равшан бўлди. Зарифа опа ёзувчимиз бетоб бўлганлиги, уни Зайниддин ака даволагани, ҳозир адиб бирмунча соғайганлиги ҳақида бизга гапирдилар. Кейин Ойбекнинг бир парча қоғозга ёзилган сўзларини ўқиб бердилар. Унда ёзувчимиз докторга миннатдорчилик билдирган эдилар. Шундан кейин Ойбек тутила-тутила сўзлаб, Зайниддин ака қўлига соат тақиб қўйди ва «мендан эсдалик» деди.



Доктор ҳам миннатдорчилик билдирди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, Зайниддин ака маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлашиб: «одамдан қоладигани яхшилик экан. Шунча йил шу қишлоқнинг сувини ичдим, мендан бир хотира қолса деган ниятдаман, биз, чолу кампирнинг рўзғоримиздан ортган анчагина пул бор. Шуни маҳалла қабристонини ободонлаштиришга ва битта медицина пункти қуришга сарфламоқчиман», дебди. Кексаларга маъқул тушибди, бу таклиф. Докторга саховати учун раҳматлар айтишибди. Шу тариқа маҳалла қабристонининг кираверишдаги баланд, ораста ғиштин дарвозаси ва ажойиб фельдшерлик пункти қад кўтарибди.

Зайниддин акани маҳалла аҳли сўнгги йўлга кузатганига ҳам анча йиллар бўлди. Аммо катта докторнинг номи, ёрқин хотираси диллардан-дилларга ҳамон кўчиб юрибди.

## ДРУЖИНА УНИНГ НОМИДА



У жуда содда ва озода кийинарди. Ташқи қиёфасидан уни ҳеч ким мактаб директори деб ўйламас, суҳбатлашганда эса, ширин сўзи, аллақандай меҳри билан одамни ўзига ром қилиб оларди. Болаларни «тойчоқлар» деб чақиришни ёқтирарди у.

— Тойчоқлар, — деди бир куни Юсуф ота Мўминов бизларга, — уруш тугади, энди турмушимиз яхши бўлиб кетади. Китоблар ва дафтарлар ҳам кўпаяди. Ҳозирча мана бу китобдан ҳаммангиз фойдаланиб туринг.

У дарс берадиган тарих китобини синфкомга берди. Икки-уч йил китоблар кам бўлиб турди. Кейин директор айтганидек, улар кўпайиб кетди.

— Тойчоқларим, — деди ота яна бир куни синфимизга кириб. Отаси урушда вафот этганлар оиласига партия ва ҳукуматимиз ёрдам беряпти. Киядиган кийимларингиз бўйи-бастини билгани келдим.

У ўн нафарча боланинг оёқ кийимидан тортиб бош кийимигача аниқлаб олди. Орадан бир ҳафта ўтгач, синфдошларимиз кийимлари башанг бўлиб қолди...

Йиллар ўтди. Мактабимиз ҳам, турмушимиз ҳам гўзаллашиб борди. Юсуф отани пенсияга кузатишга тўпландик. Отани давра тўрига ўтказишди. Унинг кўксидаги Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медалларига ҳавас билан тикилардик. Ўша куни унинг шаънига жуда самимий, миннатдорчилик сўзлари айтилди. 45 йилдан ортиқроқ меҳнати сингган мактабига ота ҳам таъзим қилди. Хайрлашдик.

Аммо одамларга яхшилик қилишга одатланган инсон асло тинч ўтиролмас экан. У пенсияга чиққач, уч-тўрт нафар пенсионерларни ёнига олиб идораларга қатнади. Қишлоқ йўли асфальт бўлди. Ташкилотларга мурожаат қилди. Колхозга автобус қатнай бошлади, кўчаларга ёриткичлар ўрнатилди. Ота ўзининг қадрдон коллективи билан бирга яшади. Ёшлар ундан тажриба ўрганишди. У ўзи билим берган мактабнинг собиқ талабалари — икки профессор, 22 фан кандидати билан фахрланарди. Бу олимлар отани кўрсалар, бошга кўтаргудек бўлардилар...

Ана шундай маориф жонкуярининг номи мактаб дружинасига эндиликда абадийлаштирилиб берилган.

Пионер ва ўқувчилар Юсуф ота қабрини зиёрат қилиб, унга гуллар қўядилар. Ота уларнинг нигоҳида ҳамон майин табассум билан:

— Раҳмат, тойчоқларим деяётгандек бўлади.

**Саидвали ҲАСАНОВ,**
**Тошкент районидаги «Гулистон» қишлоғининг Ленин участкаси.**

